

---

Ётказилган зарар маблағлари тўлиқ ундирилган.

YouTube ижтимоий тармоғи орқали фуқаро М.Усмонов томонидан йўлланган мурожаат ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 16.08.2021 йилдаги қарздор А.А.Носировдан ундирувчи М.М.Усмонов фойдасига 32.000 сўм моддий ва 1.000.000 маънавий жами 1.032.000 сўм зарар ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бюронинг Данғара туман бўлимига 28.04.2022 йилда келиб тушган ва мажбурий ижрога қаратилган.

Қарздорнинг мол-мулкини аниқлаш мақсадида ваколатли ташкилотларга сўровномалар юборилган ҳамда олинган жавоб хатларига кўра унинг номида мол-мулк йўқлиги аниқланган.

Олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздор А.А.Носировдан 28.05.2022 йил куни зарар пуллари тўлиқ ундирилиб, ундиришчи М.М.Усмоновнинг яшаш манзилига туман почта алоқа тармоғи орқали юборилиши таъминланганлиги маълум қилинади.

**Мажбурий ижро бюросининг**

**Данғара туман бўлими**

2022-06-23 13:50:26